

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА РЕАЛИСТИК ҲИКОЯНИНГ ИЛК ИЛДИЗЛАРИ

Ирода РУЗМАТОВА,

Абу-Райхон Беруний номидаги Урганч давлат университети
хузуридаги ихтисослашган мактабда инглиз тили фан ўқитувчиси

мустақил тадқиқотчи

ruzmatovairoda341@gmail.com

+998999687929

Аннотация

Мақолада реалистик ҳикояларнинг келиб чиқиш омиллари ва ривожланиш босқичлари ҳақида тўхталдик. А.Қодирий, Чўлпон ва бошқа-да ёзувчиларнинг ижодий изланишлари борасида муайян даражада сўз юритилди.

Abstract

In the article, we discussed the factors of origin and stages of development of realistic stories. A. Qadiri, Cholpon and other writers' creative researches were discussed at a certain level.

Абстрактный

В статье мы рассмотрели факторы возникновения и этапы развития реалистических рассказов. На определенном уровне обсуждались творческие поиски А. Кадири, Чолпона и других писателей.

Калит сўзлар: ҳикоя, бадий талқин, ижодкор маҳорати, жадидчилик ҳаракати, тенденция, сюжет, композицион уйғунлик, образлилик, характер.

Key words: story, artistic interpretation, creative skill, modernist movement, trend, plot, compositional harmony, imagery, character.

Ключевые слова: сюжет, художественная интерпретация, творческое мастерство, модерн, направление, сюжет, композиционная гармония, образность, персонаж.



XX асрнинг 20 йиллари охирида реалистик ҳикоялар тараққиёти жадал суратларда кўзга ташлана бошланди. Бу тараққиёт тенденциялари А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғулум, Ойбек ва бошқа ёзувчилар асарларида ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни гоҳ мураккаб сюжетли, гоҳида сатирик руҳда талқин қилиш юзага чиқа бошлади. Сатирик ҳикоялар ҳам мана шу жараёнда санъатнинг аста-секинлик билан шўро мафқурасини қораловчи сифатида, бир эҳтиёж ўлароқ пайдо бўлаётганини англатади. Ижтимоий тафаккурдаги янгилаш механизми чинакам жадид мутафаккирлари изланишларида яққол кўзга ташланарди. Унда шахс ва муҳит орасидаги узвийлик, инсонинг ўз қадриятлари билан бирга яшashi, аждодларининг бахту саодатли умр кечириши ва ҳеч қурса шунга ўхшашликка интилишида намоён бўлганди. Афсуски, бадиият оламида бундай умид ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун қанчадан-қанча зиддиятларни, оғриқларни енгиб ўтиши керак ёзувчи. Демак, ҳикоянавис даврнинг маҳзун кайфиятини ҳам, одамлар руҳиятидаги эврилишларни ҳам теран идроклаб ифода этмоғи лозим бўлади.

Ҳикоя жанрининг аниқ чегараси борми? деган саволни бундан анча йиллар олдин адабий танқидчиларимиз савол қилиб ўртага ташлашган. Ҳозирги кунда эса жанрнинг аниқ чегараси глобализм билан қоришиб кетганлиги боис, уни “метановелла”, “драбл”, “метаҳикоя”, “миниҳикоя” каби номлар билан аташ урф бўлмоқда. “Кўпгина олимлар ҳикоя жанрига нисбатан турли ўхшатишлар қўллайдилар. Қайсидир адабиётшунос айтган эканки, ҳикоя уйдан жуда зарур иш билан чиққан одамга ўхшайди. Бутун хатти-ҳаракат, ўй-фикр, муомала-муносабат ана шу зарур ишни амалга ошириш учун қаратилмоғи лозим. О.Кендзабуро қуйидаги фикрни билдиради: “Ҳикоя катта тезликда кетаётган велосипеднинг рулига ўрнатилган кўзгуга ўхшайди. Кўзгу ўзи ҳаракатда бўлиши билан бирга, ҳаракатда бўлган кишини акс эттиришга қобил. Роман эса ҳайдовчининг велосипеддан тушгандан сўнгги ўй-фикрларидир”¹. Ҳақиқатдан ҳам, ҳикояга берилган бу каби таърифлар нисбатан моҳиятини сақлаб қолган бўлиши мумкин, аммо унинг даврлар ўтиши билан жанрий-композицион яхлитлиги синтези мурқаблашиб ва сайқалланиб, янгидан-янги қирралари очила бориши шубҳасиздир.

¹ Кендзабуро Оэ. Время малых жанров// Иностранная литература. 1965. №8. С.223.



Доц.Г.Саттарова ёзишича: “XX асрнинг 90-йилларига келиб ҳикоя жанри бадиий жиҳатдан такомиллашиб борди. Бу даврга хос белгилардан бири шундан иборатки, ёзувчиларимиз ўз ижодий эркинликлари туфайли ноанъанавий кўринишдаги, янги типдаги қаҳрамонларни, ўзига хос миллий характерларни адабиётга олиб кира бошладилар. Бу ҳолат мустақиллик даври насрида кўпроқ акс эта бошлади. Социалистик реализм методидан чекинган ижодкорлар эндиликда янгиликларга юз бура бошлашди. Совет пропагандаси вақтида прогрессив адабиёт сифатида тақдим этилган Аргентина, Испания, Япония ва Туркия адабиёти энди илғор адабиёт сифатида кўрилмоқда эди. Хорхе Луис Борхес, Хулио Кортасар, Рюноске Акутагава, Ясунари Кавабата, Кобо Абэ асарлари рус тилидан таржима қилинган бўлса, турк тилидан ўнлаб бадиий, фалсафий ва илмий асарлар тўғридан-тўғри ўгирила бошланди. Қардошлик ришталари матн ости руҳиятида ҳам сезилиб тургани боис, адабиёт ихлосмандалри бу асарларни чанқоқлик билан ўқиди”². Бу талқин фақатгина масаланинг битта томонини идроклайди холос. Негаки, рус адабиётида А.Чехов, Ф.Достоевский, И.Тургенев, Л.Толстойнинг бадиий-услубий изланишларида поэтик конструкция макон ва замон оралиғида кечаётган айрим маиший муаммоларни умуминсоний тарзда гавдалантира олиш манерасига эгалиги билан ўлчанади. Яъни ижодкор даврнинг фарзанди бўлиши билан ўзининг миссиясидаги тафаккур салмоғини тўғри англай олиши ҳам муҳим. Шу маънода, XX аср ўзбек ва инглиз насридаги бадиий маҳорат миқёслари ҳам услубда, ҳам шаклда, ҳам мазмунда, ҳам ғояда ягона эстетик марказда уюшиши табиий эканлиги аёнлашди. Ҳикояда энг кичик деталь ёзувчи ижодий оламининг бениҳоя катта тафаккур салоҳиятига эга эканлигини ҳам исботлаб бериши ҳам мумкин. Ана шу ерда инсоннинг асл мақсади: ғоявий-бадиий мулоҳазаси ойдинлашади.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларига қадар ўзбек насрида шаклий-услубий изланишлар баъзи ёзувчиларда жуда катта ўсиш-ўзгаришларни юзага келтирди. Ёзувчи Шукур Холмирзаев бу ҳақда кўплаб ижодий изланишлар олиб борди. Ҳикоячиликда янги бир уфни бошлаб берди. Ўзи комил ишонч билан айтганидек, дунё адабиёти хазинасида 4 та буюк ҳикоянавис борлигини исботлаб, гўзал ва бетакрор ҳикоялар яратди. Ш.Холмирзаев инглиз ва турк,

² https://www.oriens.uz/media/journalarticles/172_Гулноз_Саттарова_1176-1183.pdf

рус, хинд ёзувчиларини диққат билан ўрганиб, улардан айримларини ўзбек адабиётида эксперимент қилиб ҳам кўришга муваффақ бўлди. Бинбарин, бу тажрибалар маълум маънода, ишончни оқлади. Айниқса, Европа адибларининг асарларини диққат билан ўрганиб, айримларига ҳаттоки танқидий муносабат ҳам билдирган паллалари бўлди. Ёзувчи Ш.Холмирзаев бу ҳақда шундай ёзади: “Классиклар деганда мен тўртта улуғ ҳикоянависни эслатиш билан кифояланаман: рус адабиётида Чехов, инглиз адабиётида Жек Лондон, хинд адабиётида Тагор ва ўзимизнинг адабиётда Абдулла Қаҳҳор. Чеховни Абдулла Қаҳҳорнинг ўзлари ҳам “менинг устозим” деб айтган эдилар, бунда ҳикмат кўп, қолаверса, Чехов умумжаҳон адабиётида ҳам ҳикоянинг устаси сифатида тан олинган, қайсидир йили Константин Федин Германиядан қайтиб келаётиб, поездда журналистлар билан қилган суҳбатида, – бу суҳбат “Литературная газета”да босилган эди, – биласизми, бутун оламдаги ёш ёзувчилар кейинги йигирма йил мобайнида Чехов билан Ҳеменгуэйга эргашибди, – деб тўғри айтган эди, бунда ҳам ҳикмат зўр...”³ Дарвоқе, ёзувчи Ш.Холмирзаев ҳикоячилик поэтикасини, унинг бошида турган забардаст ёзувчиларни шу қадар теран таҳлил қиладики, “жаҳонбоп асарлар ёзаман” деган иқрорларини ҳам баралла айтади. Мавжудлик жумбоғи: инсоннинг яшаш майдони, у қайси жанрда бўлишидан қатъий назар, имкон қадар фикр ва ҳисларимизни, тафаккур оламимизни, ботинимизнинг гўзал хулқ билан тарбия топиб, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши учун тинимсиз меҳнатни талаб қилади. Ҳикоя сермазмун бўлиши керак деймиз. Унинг бадииятига тегишли, конструктив семиотик қатламларини қайта кашф этиш учун катта меҳнат қилиш зарурлигини кўпчилик ёзувчилар унутиб қўяди. Шу маънода, ўзбек ва инглиз ҳикоячилигида бадиийлик модуси қуйидаги икки жиҳатни ўз ичига қамрайди.

1. Даврнинг ўзгаришларга дуч келиши оқибатида инсон руҳиятини “кашф” қилиш манерасининг фалсафий-рамзий акс этишига қаратилган коллизиялар.

2. Бирор мавсум ва маросим, қадриятлар, диний урф-одатлар билан боғлиқ ҳолда кечувчи, публицистик йўсинда, очеркка хос метафораларни ҳикоя бағрида идроклаш манераси.

³ <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/shukur-xolmirzayev-hikoya-haqida-2.html>

Мана шу икки хусусият бугунги кунда ҳам изчили давом этиб келмоқда. Негаки, инсоният ҳамиша ўзидан олдинги тарих билан уйғун ҳолда ҳаракат қилади. Мана шу бўшлиқни тўлдириш учун ёзувчи бадиий тафаккури ниҳоятда теранликларга эга бўлиши жуда ҳам муҳим.

Арастунинг куйидаги мулоҳазалари ҳар қандай жанрий-композицион бадииятга тегишли бўлиб, ундан кейинги замон носирлари ҳозиргача мурожаат қиладлар: “Эпопея муҳим воқеалар (шахслар ва хатти-ҳаракатлар)ни акс эттиришга интилиб, дабдабали вазндан ташқари барча соҳаларда трагедияга эргашади. Эпопея трагедиядан вазннинг бир хиллиги ва баён услуби билан, шунингдек, ҳажми билан фарқланар эди. Зеро, трагедия иложи борича бир кунлик (ёки ундан сал ошиқроқ) вақт доирасига жойлашишга интилади, эпопея эса вақт жиҳатдан чекланмаган, асосий фарқ мана шунда; дарвоқе, дастлаб бу хусусият трагедия ва эпосларда бир хил эди. Трагедиянинг баъзи қисмлари эпопеяга муштарак, баъзи қисмлари эса фақат ўзига хос хусусиятларга эга”⁴. Дарҳақиқат Арасту трагедия тимсолида эпик, лирик ва драматик асарлардаги воқеликнинг баён қилиниш йўсинига диққатимизни жалб қилмоқда. Унда эпиклик билан трагик воқелик узвийдир. Яхши ва ёмон трагедияни фарқлай оладиган кимсалар учун, Арасту эпос (эпик) асарни ҳам қийматини белгилашда қийинчилик туғдирмайди деган хулосага келади. Мана шу тамойилга амал қиладиган бўлсак, трагедияда нима мавжуд бўлса, эпопеяда трагик кайфият тўлақонли мавжуд деган қарашни англамайди.

XX асрнинг иккинчи ярмида ҳар қандай жанр жуда катта эврилишлар майдонига кўшилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр ҳаётига зимдан назар ташлайдиган бўлсак, жанр трансформацияси яққол кўзга ташланади. Ундаги воқелик кўп эмас, мураккаб планли сюжетга айланди. Маслан, инглиз, умуман, Европа адиблари ҳикояга олиб кириладиган воқеликни тугун ()трагик(кайфиятда бошлайди. Кузнинг кириб келиши, баҳорнинг кириб келиши, қишнинг изғиринида қолган бир бечора мўйсафид тақдири орқали, бутун жамият таназули, руҳий-ижтимоий инқирози намоён бўлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ҳаёт эса кўриб ўтганимиздек, ШАХСлик мақомини сақлаб қолишга интиладиган инсон тақдири билан яқинлашди. Унда миллий

⁴ Арасту. Поэтика. –Т.: “Янги аср авлоди”. 2018. –Б.28.



кадриятлар ҳам, мафкура, эътиқод ва маслак бирлиги ҳам ўзини синкретик йўсинда намоён қилди. “70-90-йиллар адабий жараёнинг ривожланиши ўзбек маданиятида икки пландаги характеристикалар системаси билан белгиланади: ташқи (ижтимоий-маданий вазият, ижтимоий-сиёсий воқелик, ўзига шарқано бадий тафаккур, эстетик матн тизими қонуниятлари). 70-90-йиллар ўзбек адабиёти ривожланишининг асосий тамойилларини миллий адибларнинг ахлоқий-психологик изланишларининг трансформацияси ва дунёқарашларининг кескин ўзгариши ҳамда умуман ижтимоий-маданий вазият, ҳам адабиётда кечган эволюцион ўзгаришларнинг қонуний натижаси эди”⁵. Бундай талқин қилиш негизида қарийиб 50 йил илгари юзага келган турли халқлар адабиётидаги ижтимоий-психологик ўзгаришларни тўғри англаш мумкин бўлади. Шундай экан, инсон ҳамиша ўзининг ботинида рўй бераётган улуғ мақсадлар билан мутассил курашиб яшайди. Айниқса, ҳаёт бир текис эмас, унинг ҳар бир инсон қисматда қолдирадиган ўрни ва вазифаси турли хил. Зеро, ўзбек ва инглиз насридаги поэтик ўзгаришлар бугун ҳам метафораларга бой, рамзий-мажозий критерийлар устуворлик қиладиган, айниқса, ижтимоий вазифадошликни оширишга қаратилган ситуацияларни талқин қилишга кенг имкон бермоқда. Проф.С.Мелиев алоҳида қайд этишича: “Глобал бадий талқин бевосита бадий адабиётга тегишли бўлиб, уни адабиёт аҳли, шоир ва адиблар ўзлари яратган ва яратилажак асарларида амалга оширадilar. Бу фақатгина глобаллашув даврига тегишли бўлмай, бутун инсоният тарихида яратилган бадий обидаларга тааллуқли деб ҳисоблаш мумкин. Зеро, ҳар қандай бадий асар муайян ғоя ва воқеанинг бадий йўсиндаги талқинидир. Лекин ХХI асрда ўзини бор кучи билан намоён этган глобаллашув жараён ва ҳодиса сифатида инсоният бадий онгига беқиёс кучли таъсир ўтказиб, бадий-маданий меросга муносабатни муайян даражада ўзгартиради. Ўтмишда яратилган бадий обидалар қаърида яшириниб ётган потенциал маъноларнинг юзага чиқишида ноёб имкон яратади. Демак, биз глобал бадий талқин деганда ҳам инсониятнинг ўтмиш адабий меросида, ҳам ҳозир яратилаётган асарларидаги глобал бадий маъноларни англаймиз. Аслида, глобал бадий маъноларгина яшаб қолади, майда гаплар унутилиб

⁵ Комилова С. ХХ аср 70-90-йиллар ўзбек насрида ахлоқий-психологик изланишлар// Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. №6. –Б.89.



кетади”⁶. Кўринадики, замона зайли билан бадий асарга бўлган талаб ҳам ўзгарувчан моҳиятга эгаллиги аён бўлди. Европа халқларининг бадий адабиётида “яшаб қолган” маъно, ижтимоий-сиёсий таназул, маърифатга тобора яқинлашиш, инсон руҳиятидаги узил-кесил ўзгаришларни чамалаш муҳим аҳамият касб этиши тайин. Негаки, тақдир ўз-ўзидан содир бўлмайди. Тасодиф ва курашлар ҳар бир шахсни руҳан юксалтиради. Ж.Жойс Ирландиялик, А.Камю Жазоирлик, Ф.Кафка Олмониялик, А.Кристи Англиялик, Ж.Лондон Америкалик, Г.Марекс Лотин Америкалик ёзувчилар бадий асарларида ҳамма вақт туйғу ва ақл бирлиги, ҳиссиётлар фрагментларига катта эътибор қаратиб ижод қилишган. Биринчи жаҳон урушидан кейинги Европа халқлари бадий адабиётга бўлган муносабати, “китобсиз ҳаёт мумкинмас” деган хулосага олиб келди. Адабиёт ва санъат қаршисида улар қадриятга сиғиниш билан баробар деб билди. Чунки ҳозирги тараққиёти, ривожланиши тафаккур, мутолаа ва изланиш меваси эдики, чинакам адабиётнинг куч-қудратини унутиш мумкин эмас. мана шу қирралари билан ўзбек адабиётида А.Қодирийдан то бугунга қадар яшаб келаётган ёзувчилар асл санъатни қадрлашди, унинг тараққиёти учун жиддий изланишлар олиб боришди, керак бўлса, жонларини ҳам фидо қилишгача тайёр бўлди. Бу борада жаҳидларнинг аччиқ ва аламли қисматининг ўзи ҳар биримизга мисол бўла олади.

Умуман, XX асрнинг 20-30- йилларидан бошлаб, ҳикоя жанри поэтик қонунияти тубдан ўзгаришга юз тутди. Аввалги ривоят, ҳикоят, қиссагўйлик каби фольклор, мумтоз бадий асарларда кўзга ташланадиган тасвир усуллари бир қадар жиддийлашди, рамзий-мажозий талқинга эврилди. Айниқса, инсон тафакқурига таъсир қиладиган, қутилмаган тасвир экзислари пайдо бўлди. У хоҳ детектив, хоҳ, психологик, хоҳ мистик, анъанавий тарзда бўлмасин, барчасининг моҳиятда – инсон феномени талқини турганини унутмаслик лозим.

⁶ Мелиев С. Глобал илмий-бадий талқин поэтикаси. Филол.фан.док.диссертацияси. –Тршкент, 2019. –Б.53



Фойдаланилган адабийотлар рўйхати:

1. Кендзабуро Оэ. Время малых жанров// Иностранная литература. 1965. №8. С.223.
2. https://www.oriens.uz/media/journalarticles/172_Гулноз_Сатторова_1176-1183.pdf
3. <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/shukur-xolmirzayev-hikoya-haqida-2.html>
4. Арасту. Поэтика. –Т.: “Янги аср авлоди”. 2018. –Б.28. ¹ Комилова С. XX аср 70-90-йиллар ўзбек насрида ахлоқий-психологик изланишлар// Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. №6. –Б.89.
5. Мелиев С. Глобал илмий-бадий талқин поэтикаси. Филол.фан.док.диссертацияси. –Тршкент, 2019. –Б.53



**Research Science and
Innovation House**